

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН КУТУБХОНАЛАРИ ИШИНИНГ
2003 – 2004 ЙИЛЛАРДАГИ ОБЗОРИ**

Тошкент – 2006

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН КУТУБХОНАЛАРИ ИШИНИНГ
2003 – 2004 ЙИЛЛАРДАГИ ОБЗОРИ**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2006

78.34 (5 У)

Ў 26

Илмий - методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

О. Қиличбоев

Муҳаррир

Ҳ. Маматраимова

Ў26 Ўзбекистон кутубхоналари ишининг 2003 – 2004 йиллардаги обзори / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи О.Қиличбоев; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти.-2006.-44 б.

КБК 78.34 (5 У)

Ушбу обзорда Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги кутубхоналарнинг 2003 – 2004 йиллардаги иш фаолиятлари батафсил, яъни кутубхона фондини ташкил қилиш ва у билан ишлаш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, методик фаолияти, библиографик хизмат, ўлкашунослик ишлари йўналишлари бўйича бажарилган ишлари фактлар асосида таҳлил қилинди. Улар фаолияти жадваллар билан янада яққолроқ таққосланди. Кадрлар, моддий техник негизи ҳақида фикрлар юритилди. Бошқа вазирликлар кутубхоналари тўғрисида умумий рақам кўрсаткичлари келтирилди.

№ 120-2006

**© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.**

Тузувчидан

Азиз ҳамкасблар! Қўлингиздаги мазкур “Ўзбекистон кутубхоналари ишининг 2003 – 2004 йиллардаги обзори” 1998 йилдан бошлаб кутубхонамизнинг Илмий-методик бўлими томонидан тузила бошланган обзор нашрининг навбатдаги давомидир. Обзор 2002 йилгача “Вилоят кутубхоналарининг обзори” номи билан нашр этилди. 1998 йилдан 2001 йилгача обзорда фақат вилоят универсал илмий кутубхоналар ҳақидаги маълумотларгина бериларди. Маълумки, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасига 2002 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мақоми берилганлиги туфайли Илмий-методик бўлими иш фаолиятини янада кенгайтирди, яъни Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар ҳақида маълумот бериш билан чекланмасдан бошқа вазирликлар тизимидаги кутубхоналар ҳақида ҳам маълумот беришга ҳаракат қилдик ва 2002 йилдан бошлаб обзор “Ўзбекистон кутубхоналари ишининг обзори” номи билан тузила бошланди.

Албатта биз олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларга маълум даражада эришдик. Лекин обзорда берилган маълумотларнинг тўлиқ ва аниқлигига даъвогар эмасмиз. Шунини айтиш мумкинки, тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланиб бизга берилган маълумотларга таяниб фактлар келтирдик.

Обзорга тегишли маълумотларни йиғиш узоқ муддатга чўзилганлиги туфайли обзор 2004 йилда нашр қилинмади. Шунини эътиборга олиб 2003 – 2004 йиллардаги кутубхоналар ҳақидаги маълумотларни жамлаб умумий хулоса-

лар беришга ҳаракат қилдик. Обзорда айрим камчиликлар бўлиши мумкин.

Обзорни тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Мудофаа вазирликларига, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбарларига ва юқорида келтирилган ташкилотлар тизимидаги кутубхоналар раҳбарларига миннатдорчилик билдирамыз.

Обзор ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймыз.

700047, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51 уй.
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Илмий-методик бўлими. Телефон 139-44-40.

E-mail: navoi@uzsci.net

Вилоят оммавий кутубхоналарининг 2003-2004 йиллардаги ахборотлари ва республикамиз кутубхоналарининг статистик маълумотлари юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни қуйидаги бўлимларда ёритдик:

КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Республикамизда бугунги кунда турли идора, муассаса ва ташкилотларга қарашли 16 мингдан ортиқ кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улардан энг асосийлари 5 ва 6-жадвалларда келтирилган (5 ва 6-жадвалларга қаранг).

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар сони 2004 йил 1 январь маълумоти бўйича 5741 тани ташкил этади. Шундан 12 та вилоят универсал илмий кутубхонаси (ВУИК), 5 та Республика

кутубхоналари: Давлат болалар кутубхонаси ва Республика кўзи ожизлар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси кўзи ожизлар кутубхонаси.

Марказий кутубхоналар тизими (МКТ) сони 204 та. Қишлоқ кутубхоналари сони эса 4747 тани ташкил этади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги кутубхоналар сони 2002 йилга нисбатан 2003 йилда 6 тага, яъни Самарқанд вилояти бўйича 4 та, Фарғона вилояти бўйича эса 2 тага кўпайган.

2005 йил 1 январь маълумоти бўйича эса Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар сони 5748 тани ташкил этди. Шундан 4768 та кутубхоналар қишлоқ кутубхоналари ҳисобланади (1 ва 2-жадвалларга қаранг).

2004 йилда Андижон вилояти бўйича оммавий кутубхоналар сони 6 тага, Қашқадарё вилояти бўйича эса 1 тага кўпайган. Жами жорий йилда кутубхоналар сони 7 тага кўпайган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарнинг йиллик статистик маълумотларига назар ташлаганимизда 2001 йилдан кейин кутубхоналар сонининг йил сайин ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

2003 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Илмий-методик бўлими томонидан вилоят универсал илмий кутубхоналарининг раҳбарларига йиллик ахборотларни топшириш тартиби тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилинган эди. Кейинги йилларда ҳисобот ўрнига ихчамлаштирилган ахборот топширилиши лозим эди. Бу масала Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган

вилоят универсал илмий кутубхоналари раҳбарларининг Кенгашида Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг мутасадди раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилиб, шундай қарорга келинган эди. Лекин 2003 йилги ахборотларни Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри кутубхоналари, 2004 йилги ахборотларни эса Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри кутубхоналарининг раҳбарлари топширмади. Шу сабабли обзорнинг тегишли бўлимларида юқорида келтириб ўтилган кутубхоналарнинг иш фаолиятлари ҳақида тўхталмадик.

КУТУБХОНАЛАР ФОНДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА У БИЛАН ИШЛАШ

2003-2004 йиллардаги Республикамизда фаолият кўрсатаётган кутубхоналар фонднинг аҳволи 5-6-жадвалларда акс эттирилган (5 ва 6-жадвалларга қаранг).

2003 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар (5741 та) фондидаги адабиётлар сони 57143,7 минг нусхани ташкил этади. Шундан 27619,8 минг нусхаси ўзбек тилидаги адабиётлардир. Қишлоқ кутубхоналари (4747 та) фонди 34553,0 минг нусхадан иборат бўлиб, шундан 21127,1 минг нусхаси ўзбек тилидаги адабиётларни ташкил этади.

Вилоят оммавий кутубхоналар умумий фонднинг нусхалари бошқа вилоятларга нисбатан кўплиги бўйича Тошкент вилояти (ўртача бир кутубхонада 14.0 минг нусхада), Наманган вилояти (13.1 минг нусхада), ва Андижон вилоятлари (12.3 минг нусхада) олдинги ўринларда туради.

2003 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар фонди 2002 йилга нисбатан 785.1 минг нусхага камайган. Бу кўрсаткични

умумий кутубхоналар сонига тақсимлаганда бир кутубхонада ўртача 136 та китобдан камайганлигини кўриш мумкин. Лекин 2003 йилда юқорида келтириб ўтилган жами оммавий кутубхоналарга янги адабиётларнинг олиниш кўрсаткичи бир кутубхонага ўртача 30 та янги китобдан тўғри келади (кутубхоналарга янги адабиётларнинг олиниши тўғрисида кейинроқ фикр юритамиз).

Қишлоқ кутубхоналари фонди эса 474.8 минг нусхага камайган.

2003 – 2004 йилларда оммавий кутубхоналар фондининг камайишини айрим вилоятлар мисолида қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин

вилоятлар	2003	2004
<i>Андижон</i>	<i>85.2</i>	<i>95.7</i>
<i>Навоий</i>	<i>14.9</i>	<i>101.4</i>
<i>Сирдарё</i>	<i>85.2</i>	<i>72.1</i>
<i>Тошкент</i>	<i>155.8</i>	<i>115.0</i>
<i>Фарғона</i>	<i>126.0</i>	<i>65.6</i>

Бир қараганда арзимасдек туюлган бу рақамлар умумий ҳисоблаганда эса катта кўрсаткичларни ташкил қилиши шубҳасиз.

Кутубхоналар фондларининг йилдан-йилга камайиб боришига йиллик ахборотларда қуйидаги сабаблар кўрсатилмоқда: тўзиган, жисмонан ва мазмунан эскирган рус тилидаги адабиётлар. Лекин кутубхоналар фонди мазмунан эскирган китоблардан аллақачон тозалаб бўлинган. Мазмунан эскирган деб қанчадан-қанча китоблар кутубхоналар фондидан чиқариб ташланди. Энди айрим китобларнинг саҳифаларида совет ёки шунга ўхшаш сўзлар учраса ёки шу давр тақозоси билан берилган айрим расмлар бўлса, навбат шу китобларни ҳам чиқариб ташлашга кел-

ганга ўхшайди. Устига-устак чиқарилаётган китобларнинг аксарият қисмини бадий адабиётлар ташкил қилади. Бу ҳолда кутубхонада китоб қоладими? Айрим вилоятлар, жумладан, Бухоро вилоятидаги Пешку туман Марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли 16, 19, 28 сонли тармоқ кутубхоналарида, Шофиркон туман Марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли 32, 50, 58 сонли тармоқ кутубхоналарида 2002-2003 йилларда кутубхоналар фондидан китобларни кўплаб чиқариб юборилиши (бир кутубхонадан 4248 нусхагача) натижасида кутубхона фондлари кескин камайиб кетган. Натижада Пешку туманидаги 19 сонли тармоқ кутубхонасида бор йўғи 1240 нусха китоб қолган. ҳолос. Турли талаблар ёки баҳоналар билан китоблар фонддан чиқариб юборилаверса бизни келажак авлод кечирармикан?

2003 – 2004 йилларда вилоят универсал илмий кутубхоналарнинг фондига янги адабиётларнинг олиншини мисоллар орқали кўриб чиқиб таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

2003 йилда жами оммавий кутубхоналар фондига 175.0 минг нусхада, 2004 йилда эса 231.0 минг нусхадаги янги адабиётлар олинган, яъни 2003 йилда ҳар бир кутубхонага ўртача 30 тадан, 2004 йилда эса ўртача 40 тадан янги олинган китоб тўғри келади. Янги адабиётлар олинishi кўрсаткичлари 2002 йилга нисбатан 2004 йилда ўсганлигини кўриш мумкин.

2003 йилда ҳам Тошкент вилояти оммавий кутубхоналари янги адабиётлар сотиб олиш бўйича юқори кўрсаткичга эришди (23,6 минг нусха сотиб олинган). Сирдарё вилояти оммавий кутубхоналарида эса 2.6 минг нусхадаги янги адабиётлар олганлар.

Кутубхоналарнинг газета ва журналларга обунаси ҳам қоникарли даражада деб бўлмайди. Кўпчилик Марказий кутубхоналар бор йўғи 3 ёки 4 та номдаги газета ва журналларга 3 ёки 6 ойга обуна бўлиш имкониятига эга бўлмоқдалар холос. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги Марказлашган кутубхоналар тизимида 28 та тармоқ кутубхоналар мавжуд бўлиб, бу кутубхона бир йилда 5 номдаги газетага обуна бўлишга имкони етган, холос. Қишлоқ ёки тармоқ кутубхоналарининг газета ва журналларга обуна бўлишини айтиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Ҳатто кутубхона ходимлари ўз ҳисобларидан ёки маблағ танқислиги сабабли кафолат хати билангина обунани ташкил этмоқдалар.

Бугунги кунда бошқа вазирликлар тизимидаги кутубхоналарнинг янги адабиётлар билан таъминланиши қай даражада? Бу саволга 5-6-жадвалдаги маълумотлардан жавоб топишингиз мумкин.

Ахборотларни таҳлил қилиш жараёнида Андижон вилоятидаги кутубхона фондларини тўлдиришга ҳомийлик қилган ёки қилаётган фирма ва ташкилотларни бошқа вилоятларда деярли учратмадик. Юқорида, яъни кутубхоналар фаолияти ҳақида сўз юритилганида 2003 – 2004 йилларда кутубхоналар сонининг кўпайганлигини таъкидлаб ўтилган эди. Лекин кутубхоналар сони кўпайганлиги билан уларнинг фонди китобхонларнинг талаб, қизиқиш, эҳтиёжларини етарли даражадаги ном ва нусхадаги китоб, газета ва журналлар билан қондира олмас экан, маънавиятимизни, қолаверса, китобхонларнинг ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш қийин.

Бўлимга хулоса сифатида айтиш мумкинки, кутубхоналар фондиди тўлдиришда, сақлашда ижобий самара-

ларга эришилди, деб айтиш мушкул. Бу нафақат айрим вилоятларда, балки, бутун оммавий кутубхоналар фаолиятида содир бўлаётган ва барчамизни ташвишга солаётган ҳамда ечимини кутаётган муаммолардир. Бўлимдаги муаммолар бир ёки икки йилда пайдо бўлган эмас. Ҳар йилги обзорда бу тўғрисида қисқача тўхталамиз, айрим фикр-мулоҳазаларни юритамиз.

КИТОБХОНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2003 – 2004 йилларда Республикамиз кутубхоналари томонидан китобхонларни кутубхонага янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжларига қараб хизмат кўрсатиш, аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшларнинг дунёқарашини янада шакллантириш, Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорларини бажаришда куйидаги натижаларга эришганлар.

2003 – 2004 йилларда Республикамиз кутубхоналаридаги китобхонлар ҳақидаги статистик маълумотларни 5-6 жадваллардан кўришингиз мумкин.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарнинг китобхонлари сони 2003 йилда 5420,7 мингга ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 5500,9 мингга ташкил этади. Шу йиллар орасида умумий китобхонлар сони 80.2 мингга кўпайган.

2003 – 2004 йилларда умумий китобхонлар сони ўтган йилларга нисбатан кўпайиб бормоқда.

Қишлоқ кутубхоналари китобхонларининг сони 2003 йилда 3648,7 мингга ташкил этган бўлса, 2004 йилда 3659.1 мингга ташкил этади, яъни 10.4 мингга кўпайган.

Бир кутубхонада китобхонлар сони ўртача 2003 йилда 944 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда эса 957 тани ташкил этади. Қишлоқ жойларидаги кутубхоналарга эса 2003 йилда ўртача 636 та китобхон тўғри келган бўлса, 2004 йилда эса 765 тани ташкил этади.

Аҳоли сонига нисбатан китобхонлар 21-22 фоизни ташкил этади. Ўртача китоб ўқилиши 18 тани ташкил этади. Қишлоқ жойларида ҳам китоб ўқилиши 2003 – 2004 йилларда 15 тадан 18 тага етган.

Вилоятлар бўйича 2003 – 2004 йилларда ҳам Андижон вилояти кутубхоналари китобхонлар сони кўплиги бўйича биринчи ўринда туради. Ҳар бир кутубхонага ўртача 1222 та китобхон тўғри келади.

Иккинчи ўринда Наманган вилояти кутубхоналари (ҳар бир кутубхонага 1175 та китобхон), учинчи ўринда эса Тошкент вилояти кутубхоналари (ҳар бир кутубхонага 1028 та китобхон) туради. Охириги ўринда эса Қашқадарё вилоят кутубхоналари (ҳар бир кутубхонага 710 та китобхон) туради.

Китобхонлар томонидан бир йилда ўртача китоб ўқилиши кўрсаткичи жиҳатидан вилоятлар бўйича 2003 ҳамда 2004 йилларда Андижон вилояти кутубхоналари (бир йилда ўртача 22 та китоб), Қорақалпоғистон Республикаси кутубхоналари (20,4 та) ҳамда Сурхондарё вилояти кутубхоналари (19 та) олдинги ўринларда келмоқдалар.

2003 – 2004 йилларда оммавий кутубхоналардаги умумий китобхонлар сони Навоий вилоятида 6,8 минг

китобхонга, Самарқанд вилояти бўйича 6,3 минг Сирдарё вилояти бўйича 4,3 минг Тошкент вилояти бўйича 2,7 минг китобхонга камайган.

2003 – 2004 йиллар давомида китобхонлар билан ишлаш бўйича вилоятларда амалга оширилган ишлар юзасидан қисқача фикр юритамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туман МКТ-да ташкил этилган “Ёш китобхон” номли китобхонлар тўғараги китобхонларнинг билим доираларини янада кенгайтиришда ва мустаҳкамлашда кенг қўламли ишларни олиб бормоқдалар. Жумладан, ёшларга кутубхона-библиография хизматини кўрсатиш, касб танлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришда кутубхоначилик ишининг турли усул ва шаклларида фойдаланиб иш олиб бормоқдалар.

“Обод маҳалла йили” муносабати билан Республикада “Маҳалланинг намунали кутубхонаси” номли кўрик танлов ташкил этилган. Танловда Тўрткул маҳалласида жойлашган 2-шаҳар кутубхонаси ғолиб деб топилган.

Республикадаги барча шаҳар ва туман МКТларида китобхонларга табақалашган ҳолда хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилган. Китобхонлар таркиби асосан ўсмир ёшлар, шифокорлар, ўқитувчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослардан иборат бўлган. Шу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар орқали Республикадаги 443 та оммавий кутубхоналар 1558.8 минг аҳолининг 332.1 минг нафарига кутубхона-библиография хизмати кўрсатган. Бу умумий аҳолининг 22 фоизини ташкил этади.

Андижон вилояти кутубхоналарида мақсадли дастурлар асосида китобхонларни гуруҳларга бўлиб хизмат кўрсатилган. Жумладан, бир йилда ўқитувчилар сони 21564 та, шифокорлар 8865 та, ҳуқуқшунослар 1489 та, иқтисод-

чилар 2183 та, тадбиркорлар 3602 тани ташкил этган. Уларнинг касб маҳоратларини ошириш мақсадида 918 та Мутахассис кунлари, 1230 та ахборот кунлари ташкил этилган. Вилоятда истиқомат қилаётган умумий аҳолининг 25 фоизига кутубхона-библиография хизмати кўрсатилган.

Бухоро вилоятидаги оммавий кутубхоналарда 145 та кизиқувчилар клублари ўз иш фаолиятларини давом эттирмоқда. Бу клубларга турли ёшдаги ва ихтисосдаги 1789 нафар кишилар аъзо қилинган. Клубларда оммавий ва маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади.

Вилоят кутубхонасининг ўсмирлар бўлими қошида ташкил этилган “Сухбатдош” клуби “Каунтерпарт Консорциум” жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланган “Фуқаролик жамият мактаби” лойиҳаси бўйича иш олиб бормоқда. Шу билан биргаликда 1991 йилда оилавий ўқув қироатхонаси ташкил этилган бўлиб, қироатхона асосан мактабгача ёшдаги болалар, бошланғич синф ўқувчилари ва ўқитувчиларга хизмат кўрсатади. Ёшларнинг ҳар томонлама билим олишида қироатхона муҳим ўрин тутади. Қироатхона қошида “Рангли қаламлар устахонаси” ҳам ташкил этилган. Қироатхонада давра суҳбатлари, расм чизиш, кўрик танловлар, учрашув кечалари ўтказилиб турилади.

Вилоят кутубхоналарида 2004 йилнинг 7 майдан 7 июнгача маънавий ойи ўтказилган. Зиё масканларида режа асосида тадбирлар ўтказилиб маънавий ойи самарали яқунланган. Шу йилнинг сентябр ойида эса Китобхонлик кунлари ўтказилган. Унда “Энг яхши китобхон” номли китобсеварлар вилоят танлови ва бошқа бир қанча тадбирлар ташкил этилган.

Олот тумани Марказий кутубхонасининг ўсмир ёшлар кафедрасида “Заковат” клубига 14 ёшдан 21 ёшгача бўлган китобхонлар жалб этилган.

Ғиждувон ва Шофиркон туман Марказий кутубхоналари кўчма кутубхоналари турли ташкилотларга кутубхона хизмати кўрсатиши натижасида китобхонлар сони 6625 нафарга кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб вилоят миқёсида “Сиз қонунни биласизми?” номли кўрик танлов ўтказилган. Танловда биринчи ўринга Ромитан тумани Марказий кутубхонаси бўлим мудираси Раъно Очилова лойиқ деб топилган.

Жиззах вилояти Арнасой тумани 9-тармоқ кутубхонасида ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини янада мазмунли ўтказиш ва уларни кутубхоналарга жалб қилиш мақсадида “Кутубхона – нурухона”, “Фаол китобхон” мавзуларида суҳбатлар ўтказилган.

Мирзачўл тумани 8-тармоқ кутубхонасида “Халқаро болалар китоблари куни” муносабати билан тадбирлар ўтказилган.

Фориш, Зомин, Жиззах туман Марказий кутубхоналарига қарашли тармоқ кутубхоналари аҳоли пунктларида, дала шийпонларида, дам олиш оромгоҳларида кўчма кутубхоналар ташкил этиб китобхонларга хизмат кўрсатганлар.

Наманган вилояти кутубхоналари китобхонларга хизмат кўрсатишда оилавий, бригада, синф абонементларидан кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Вилоят кутубхонаси қошида ташкил этилган “Шаҳризода”, “Маҳорат мактаби” клублари ўсмирлар учун ҳунар ва компьютер технологияларидан фойдаланишни ўргатиш курсини олиб бормоқда. Кутубхонада ўтказилган “Китобхонлик куни” тадбирига 50 йилдан буён кутубхонадан фойдаланиб келаётган китобхонлар таклиф этилган. Уларнинг айримлари ўз шахсий кутубхоналаридаги мавжуд китоблардан 131 нусхасини кутубхонага совға қилганлар.

Вилоятда китобхонларга кўчма кутубхоналар орқали хизмат кўрсатиш натижасида китобхонлар сони 10193 тага етган. Уларга 240 мингдан ортиқ адабиётлар берилган. 100 дан ортиқ турли мавзудаги кўرғазмалар ташкил этилиб, кўрғазмага 2250 дан ортиқ адабиётлар кўйилган.

Самарқанд вилоят кутубхоналарида китобхонлар формулярларини таҳлил қилиб оилавий китобхонлар, мутахассислар, пенсионерлар, ногиронлар каби гуруҳларга ажратиб, улар учун “Диққат, янги китоблар”, “Уй бекалари, Сизлар учун”, “Оила даврасида ўқиш учун”, “Ўқитувчилар, Сизлар учун” каби мавзуларда китоб кўрғазмалари ташкил этишган.

Оқдарё туман Маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан кутубхоналарга 1919 донга гул кўчатлари олиб берилиб тарқатилган ва кутубхона худудлари тозаланиб, ободонлаштирилган.

Кутубхоналарда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлар аниқланиб алоҳида картотекалар ташкил қилинган ва уларга китоб элтиб бериш ва уларни алмаштириш ишлари ҳам йўлга кўйилган.

Жомбой тумани кутубхоналарида ўз худудларидаги ўсмир ва ёшларнинг рўйхати аниқланиб, улар учун картотекалар ташкил қилинган. Картотекалар орқали кутубхоналарга аъзо бўлмаган ёшларни жалб қилиш мақсадида “Истеъдод” клуби ташкил этилган.

Сирдарё вилояти Меҳнатобод тумани Марказий кутубхонасида 3 босқичдан иборат “Маҳалламиз китобхони” номи кўрик танлов ўтказилган. Танловда Алишер Навоий маҳалласидан Н.Курбоналиева, Н.Жўраева, А. Абдуқаюмовлар ғолиб деб топилган.

Нодира номидаги Марказий болалар кутубхонаси қошида ташкил этилган “Ширинтой” кўғирчоқ театри таш-

кил этилганига 2003 йилда 10 йил тўлган. Ҳозирги кунда қўғирчоқ театри “Болалар ижодий маркази” тўғараги аъзолари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Вилоят кутубхонаси Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Йилнинг энг яхши кутубхонаси” танловини ўтказганлар. Танловда барча туман ва шаҳар Марказий кутубхоналари ходимлари қатнашганлар. Сайхунобод туман кутубхонаси танлов ғолиби деб топилган.

Тошкент вилояти Чирчиқ, Янгийўл, Олмалиқ, Ангрен шаҳар ва Ўрта-Чирчиқ туман кутубхоналарида китобхонлар гуруҳи, уларнинг талаб, қизиқишлари ва эҳтиёжларини китобхонлар формулярларини таҳлил қилиб ўрганиш яхши йўлга қўйилган.

Тошкент туманидаги Ҳасанбой қишлоғидаги кутубхоналарда “Китоб – маънавият элчиси” номли китоб ҳафталиги ўтказилган. Ҳафталик ёшларнинг китобга ва кутубхоналарга бўлган қизиқишини янада оширишга катта ҳисса қўшган.

Вилоят кутубхонасида ва Занги ота, Юқори Чирчиқ, Паркент туманлари ҳамда Янги йўл шаҳар кутубхоналарида “Китоб олами; бугун ва эртага” мавзусида мутолаа байрами олий ўқув юртлари талабалари, профессор-ўқитувчилар, нашриётлар ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар ҳамда кенг китобхонлар иштирокида қизиқарли тарзда ўтказилган. Тадбирда “Энг яхши китобхон” кўриктанлови, “Кутубхонага китоб ҳадя қилинг” акциялари, “Китоб менинг тақдиримда” каби учрашув кечалари ташкил қилинган.

Фарғона вилоятидаги кутубхоналарда йилда икки маротаба (март, сентябр ойларида) очиқ эшиклар куни ўтказиш анъанага айланган. Шу куни кутубхона бўйлаб

саёхатлар, китоб кўргазмалари, китобхонлар билан суҳбатлар ташкил этилади.

Вилоят кутубхонасида Фарғона санъат коллежи талабалари учун “Санъат дарслари” ўтказиш анъанага айланган. Ҳар бир дарс учун Санъат бўлими ходимлари тегишли мавзулар бўйича адабиётлар рўйхатини тайёрлайдилар. Шунингдек, бу ерда китобхонларнинг хорижий тилларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Хорижий тиллар адабиётлари шуъбаси ташкил қилинган. Шуъба фонди 4607 нусхадаги адабиётлардан иборат. Шуъбада Гёте институтининг ёрдами билан ташкил этилган “Немис бурчаги” ҳам фаолият кўрсатади.

Вилоятдаги китобхонлар таркиби ва уларнинг қизиқишлари ўрганилганда аксарият кўпчилигини 16-21 ёшгача бўлган китобхонлар ташкил этган. Улар асосан иқтисодиёт, ҳуқуқ, тарих, компьютер, адабиёт, техника каби соҳаларга доир адабиётлар кўпроқ сўрашлари аниқланган.

Тармоқ кутубхоналарида китобхонларга қулайликлар яратиш борасида “Биздан сўрабсиз” хизмати ташкил қилинган. Берилган маълумотлар КБК жадвали бўйича жойлаштирилган.

Риштон туманида китобхонларни кутубхонага янада кўпроқ жалб этиш, оммавий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида “Китобхонлар билан оммавий тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш” мавзусида илғор тажриба мактаби ташкил этилган.

Хоразм вилоят кутубхонасида ҳар йилнинг ноябр ойида “Халқаро таълим ҳафтаси” ўтказилади. Бу куни кутубхонада семинарлар, учрашув кечалари, китоб кўргазмалари ташкил этилади. Қишлоқ хўжалиги ва техника адабиётлари бўлимида “Ёш техниклар” тўғараги иш бош-

лади. Тўғаракка мактаб ўқувчилари, талабалар ва аспирантлар ҳамда шу соҳага қизиқувчилар жалб этилган.

Юқорида келтириб ўтилган тадбирлардан кўриниб турибдики, вилоятдаги кутубхоналарда “Обод маҳалла” ва “Меҳр мурувват” йилларида бир қанча самарали ишлар амалга оширилган. Кутубхонларнинг қизиқиши, талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларга табақалашган ҳолда хизмат кўрсатиш, ахборот ва мутахассис кунларини ташкил этиш, муҳим ва унутилмас саналарга тадбирлар ташкил этиш борасида қониқарли ишлар қилинган, дейиш мумкин.

Вилоятлардаги кутубхоналарда амалга оширилган ишларни тегишли бўлимлар орқали таҳлил қилишдан мақсад уларнинг тажрибали ишларини бошқа кутубхоналарга ҳам тарғиб қилиш ҳамда уларни маънавий рағбатлантиришдан иборатдир.

ТАШКИЛИЙ МЕТОДИК ИШЛАР

Республикаимиз кутубхоналарида методик ишлар ҳам асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада кутубхоналар томонидан амалга оширилган ишларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонасида “Кутубхона фонди ва каталогларини замон талабларига мос тарзда ташкил қилиш ва шакллантириш” мавзусида семинар ўтказилган.

Шуманай тумани Марказий кутубхонасида “Кутубхона – муниципал ва ўлкашунослик ахборот бериш маркази” мавзусида кутубхоналар ассоциацияси, “Маҳалла” жамғармаси ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари билан ҳамкорликда Республика семинари ўтказилган.

Семинарда “Кутубхонага китоб инъом этингиз” мавзусида хайрия акцияси ҳам ўтказилган.

Чимбой туман Марказий кутубхонасида “Ёрдамга муҳтож инсонлар билан ишлашда муаммолар” мавзусида давра суҳбати ва “Кутубхоналарда кўзи ожизларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш” мавзусида семинар ўтказилган. Шунингдек, Республика кутубхонаси томонидан “Кутубхона ишларида рекламанинг аҳамияти”, “Кутубхона фондларини компьютер орқали текшириш” мавзуларида методик қўлланмалар тузилган.

Андижон вилоят кутубхонасида “Кутубхона фондини тўлдириш ва янги технологиялар” мавзусида семинар ўтказилган. Шунингдек, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда “Китобхонлик кунлари” ўтказилган. Унда 10 дан ортиқ турли мавзуларда тадбирлар ташкил этилган. Натижада кутубхонага 150 та китобхон аъзо бўлган, уларга 322 нусхадаги адабиётлар берилган.

Избоскан туман Марказий кутубхонасида “Китобхонлар қизиқишини ўрганиш самарадорлиги ва истиқболлари” мавзусида семинар, Марҳамат тумани 15-тармоқ кутубхонасида “Оммавий тадбирларнинг янги ва қизиқарли шаклларида фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш”, Олтинкўл тумани Марказий кутубхонасида “Кутубхоналарда муҳим саналарга оид библиографик қўлланмалар тузиш” мавзуларида илғор тажриба мактаби машғулотлари ўтказилган.

Вилоятда жами 33 та илғор тажриба мактаби ташкил этилган бўлса, ундан 15 таси китобхонлар билан ишлаш, 8 таси кутубхона фонди билан ишлаш, 10 таси библиографик иш фаолияти йўналишларига қаратилган. Шунингдек, 399-та методик инструктажлар, 3648 та яқка ва гуруҳли маслаҳатлар каби малака ошириш ишлари ташкил қилинган.

Бухоро вилоят кутубхонасида “Инновациялар – кутубхона фаолиятидаги асосий ўзгаришлар объекти сифатида”, “Замонавий кутубхоналар вазифалари, ривожланиш йўллари” ҳамда “Ёлғиз, пенсионер, ногирон китобхонларга кутубхона хизмати кўрсатиш” мавзуларида вилоят семинарлари ташкил этилган, шунингдек, миллий кадриятлар, анъаналарни кутубхоналарда кенг тарғиб этишга бағишланган “Энг яхши методик қўлланмалар” мавзусида кутубхоналар ўртасида кўрик-танлов ўтказилган. Танловда Когон тумани Марказий кутубхонасининг “Миллий кадриятлар ва оилавий тарғибот” мавзусидаги методик қўлланмаси ғолиб деб топилган.

Когон туман Марказий кутубхонасида “Болалар кутубхонаси фонди билан ишлаш ва болалар китобхонлиги” мавзусида семинар, “Кутубхона ишининг янги шакл ва усуллари – ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш омили” мавзусида илғор тажриба мактаби, Бухоро шаҳар Марказий кутубхонасида “Китобхонлар қизиқишини ўрганиш ва ўқишига раҳбарлик қилиш”, Вобкент туман Марказий кутубхонасида “Кичик ва ўрта ёшдаги китобхонларнинг қизиқишларини ўрганиш усуллари”, Жондор туман марказий кутубхонасида “Маданий-маърифий билимларни тарғиб этиш, миллий истиқлол ғоясини китобхонлар онгига сингдиришда кутубхоналарнинг вазифалари” мавзуларида семинарлар ташкил этилган.

Жиззах вилоят кутубхонаси томонидан шаҳар ва туман Марказий кутубхоналари ходимлари учун “Китобхонларга кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш йўллари”, “Кутубхоналарда илғор тажриба мактабини ташкил қилиш”, “Кутубхоналарнинг ўлкашунослик маълумот-библиография аппарати” мавзуларида методик

қўлланмалар тайёрланган, шунингдек, туман ва шаҳар кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатилган.

Наманган вилоят кутубхонасида “Кутубхоналарда китобхонлар қизиқишини ўрганиш усуллари”, “Кутубхона хужжатлари билан ишлаш”, “Ёшлар маънавиятини тарбиялашда кутубхоналарнинг ўрни”, “Кутубхоналарнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги” мавзуларида семинарлар ташкил этилган.

Янгиқўрғон тумани Марказий кутубхонасида “Китобхонлар билан ишлаш ва кутубхоналарнинг моддий техника аҳволи”, Тўрақўрғон тумани Марказий кутубхонасида “Кутубхоналарда ўлкашунослик ишларининг аҳволи” мавзуларида семинарлар ташкил этилган. Шунингдек, вилоят кутубхонаси томонидан марказий, олий ўқув юртлари, кўзи ожизлар, муассаса ва ташкилот кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатилган.

Самарқанд вилоят кутубхонаси қошида вилоятда 2003 – 2004 ўқув йили “Умумий ва ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда шартнома тузилган ва мактаб кутубхоначиларининг ўқув машғулоти ташкил этилган. Машғулотда кутубхоналар ишида қўлланиладиган жараёнлар, оммавий тадбирлар ўтказиш, методик қўлланмалар тузиш ва улардан фойдаланиш усуллари кенг ўргатилган.

Вилоят кутубхонаси Методик бўлими томонидан “Библиография ишини нимадан бошлаш керак?”, “Библиография сенинг кўмакдошинг” номларида методик қўлланмалар тузилган, шу билан биргаликда кутубхона ходимлари орасида “Ўз касбининг билимдони” номли кўрик-танлов ўтказилган. Унда 41-гармоқ кутубхоначиси С.

Тўхтамуродова ғолиб деб топилган. Шунингдек, Пастдарғом, Пайариқ туманларида “Кутубхона – 2004” кўрик танлови ўтказилган. Вилоятдаги кутубхоналарда “Кутубхона дарслари”, “Ёш кутубхоначи мактаби” ташкил этилган. Бу каби кўрик танловларнинг ўтказилиши кутубхоналар ишларини янада жонлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилган. Кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатиш бўйича 159 марта Марказий кутубхоналарига, 665 марта қишлоқ кутубхоналарига чиқишлар қилинган. Жами бир йилда кутубхоналарга 824 марта амалий методик ёрдам кўрсатилган.

Сирдарё вилоят кутубхонасида мутахассис ходимларнинг камлиги сабабли кутубхоначи ходимларнинг малакасини оширишда “Ёш кутубхоначилар мактаби” иш олиб борган. Иккинчи тажриба алмашиш мактаби Гулистон шаҳар Марказий кутубхонасида фаолият олиб борган. Мактабда кутубхоначилик соҳасининг барча тармоқлари бўйича дарслар ва амалий машғулотлар ўтказилган. Йил давомида 20 та амалий, 5 та кутубхоначилик дарслари, 82 та тажриба ошириш машғулотлари ўтказилган.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида “Янги жамият учун янги кутубхона” мавзусида семинар ўтказилган. Семинар доирасида кутубхонада ҳуқуқий ахборот маркази, медиа маркази, интернет маркази ташкил қилинган. Чирчиқ шаҳри Марказий кутубхонасида “Ўсмирлар ва болаларни тарбиялашда, билим беришда кутубхоналарнинг ўрни”, “Марказий кутубхоналарда ҳисобот ва режалаштириш ишлари”, Тошкент туманида “Кутубхоналарда справка-библиографик апаратини тарғиб қилиш”, “Оилавий китобхонларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш”, Янги йўл туманида “Кутубхона маркетинги” мавзуларида семинарлар ташкил қилинган. Шунингдек, вилоят кутубхоналари

ўртасида “Кутубхона рекламаси” бўйича кўрик-танловнинг биринчи босқичи ўтказилган.

Фарғона вилоят Фарғона, Қўқон, Қувасой, Марғилон шаҳар, Боғдод, Риштон, Кува, Қиргули, Ўзбекистон туманларида 9 та семинар машғулоти ўтказилган. Семинарда кутубхоналарнинг янги иш шакллари, кутубхона маркетинги, тармоқ кутубхоналарида ўлкашунослик иши каби масалалар ўрганилган. Унда 312 та кутубхоначи ходимлар қатнашган. Семинарлар янги технологиялар, амалий ўйинлар, тақдимотлар тайёрлаш каби йўналишларда олиб борилмоқда. Олий, ўрта махсус касб хунари таълими бошқармалари ташаббуси билан ташкил этилган “Кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш” мавзусидаги семинарда вилоят кутубхонаси “Замонавий кутубхона: янги иш шакллари” мавзусидаги семинар-тренинги билан иштирок этган.

Хоразм вилоят кутубхонаси Методика бўлими томонидан вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда мактаб кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатилган. Бўлим ходимлари адабиётларнинг тавсиявий рўйхатлари, методик-библиографик қўлланмалар, оғзаки ва ёзма маслаҳатлар орқали методик ёрдамлар кўрсатганлар.

Юқорида келтириб ўтилган тадбирлардан бўлимга хулоса сифатида айтиш мумкинки, вилоятлардаги кутубхоналарда методик ишлар бўйича имкон қадар ижобий ишлар амалга оширилган. Лекин бу билан методика ишларни кўнгилдагидек дейиш қийин. Вилоят кутубхоналарининг ахборотларида келтирилишича, мутахассис ходимларнинг ишдаги қўнимсизлиги, етишмаслиги, маблағ танқисликлари туфайли кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатиш анча қийин аҳволга тушиб қолган. Фикримиз исботи сифатида деярли кўпчилик кутубхоналарда ходимларнинг малакасини ошириш, мутахассис бўлмаган ходимларни қайта ўқитиш

каби тадбирлар амалга оширилганлигини кўрсатиш мумкин. Кутубхоналарга методик хизмат кўрсатиш ишлари нафақат вилоятда, балки, республикада ҳам долзарб муаммолардан бирига айланган, дейиш мумкин. Сабаби биз ушбу обзорга вазирликлар тизимидаги кутубхоналарнинг йиллик статистик маълумотларини беришни сўраб мурожаат қилганимизда вилоятлардаги кутубхоналар билан методик алоқаларнинг деярли узилиб қолганлиги сабабли маълумотлар тўлиқ эмаслигини билдирадилар. Интернет у ёқда турсин, ҳатто телефон орқали ҳам кутубхоналар билан боғланишнинг иложи йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин. Шу сабабли обзорда келтирилаётган жадваллардаги (Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши тизимидаги кутубхоналардан ташқари) маълумотлар етарли ва тўлиқ даражада эмас.

Биз ҳар йилги обзорда Методик қўлланмалар ва уларнинг самарадорлиги бўлимида вилоят оммавий кутубхоналари томонидан ахборотларга илова қилинган методик қўлланмалар ҳақида ҳам қисқача фикримизни билдирар эдик. 2003 ва 2004 йилларда биз Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Хоразм вилоятларидан ахборотларга илова қилинган методик-библиографик қўлланмаларни олдик. Бу йилги обзорнинг ҳажми анча кенгайганлигини инобатга олиб ахборотларга илова қилинган методик-библиографик қўлланмаларга тўхталмадик.

СПРАВКА-БИБЛИОГРАФИЯ ВА АХБОРОТ ИШЛАРИ

Кутубхонадаги масъулиятли ва мураккаб бўлимлардан бири Справка-библиография бўлиmidир. Вилоят

оммавий кутубхоналари ходимлари бу йўналишда қуйидаги натижаларга эришганлар.

Андижон вилояти кутубхоналарининг справка-библиография нашрлар фонди 58616 нусхани ташкил этади. Бу фондлар орқали китобхонларнинг библиографик сўроқларини бажаришда фойдаланиб келинмоқда. Фондга 220 нусхада янги адабиётлар олинган. Газета, журналлар мақолалари картотекасига 53315 та карточка тасвирланиб жойлаштирилган.

Вилоят кутубхонасида китобхонларнинг иқтисод, сиёсат ва адабиётшуносликка оид 18032 та сўровлари бажарилган. Ундан 10000 мавзули, 3000 фактографик, 5000 аниқловчи, 32 та ёзма сўровлар бажарилган. Шунингдек, 11 та ахборот куни, 13 та мутахассис кунлари ўтказилган. Ўқитувчилар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, ширкат ва фермер хўжаликлари ходимларига вилоят бўйича 1234 ахборот куни ўтказилиб, уларга 12500 нусхадаги адабиётлар берилган. 914 та мутахассис кунлари ўтказилиб, 6615 нусхадаги адабиётлар берилган. Ахборотни танлаб тарқатиш бўйича вилоятда 3054 та абонентга, табақалашган ҳолда хизмат кўрсатиш бўйича 1328 та абонентга хизмат кўрсатилган. Марказий кутубхоналар томонидан китобхонларнинг 409376 оғзаки, 68621 та ёзма сўровлари бажарилган. Китобхонларнинг қизиқиши, муҳим ва унутилмас саналарга бағишланган 3958 та қўлланмалар тузилган. 1973 та библиографик обзорлар, 1384 та варақа ва эсдаликлар, 601 та ўқув режалари тузилган. 1413 та библиография дарслари ўтказилган.

Китобхонларнинг библиографик сўровларини бажаришда буюк мутафаккирлар ва алломаларнинг турли мавзулардаги ҳикматли сўзлари жамланган. “Ҳикматли сўзлар картотекаси”дан кенг фойдаланилган.

Вилоят бўйича жами китобхонлар томонидан 473206 та сўровлар тушган. Ундан 46501 та оғзаки, 8105 ёзма, мавзули, 25262 та фактографик, 112927 та аниқловчи сўровлар бажарилган.

Бухоро вилоят кутубхонаси справка-библиография нашрлари фонди 3210 нусхани ташкил этади. 43 та нусхадаги янги адабиётлар олинган. Бўлим томонидан “Вақтли матбуот нашрлари каталоги” юритилмоқда, унда 1921 йилдан бошлаб кутубхонага олинган вақтли матбуот нашрлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунингдек, мақолаларнинг системали каталоги, ўлкашунослик, мавзули, юридик маълумотлар картотекалари ташкил қилинган. 2998 дан ортиқ мақолалар тасвирланиб картотекага жойлаштирилган. Кутубхонада ахборот-библиография билимларини тарғиб қилиш мақсадида мактаб ва лицей ўқувчилари учун “Картотека менинг ёрдамчим”, “Кутубхонанинг справка-библиографик апаратидан қандай фойдаланиш мумкин?”, “Кутубхоначилик терминлари оламига саёҳат” рукнида библиография дарслари ва “Дикқат, янги адабиётлар” кўрғазмаси ташкил этилган. Янги адабиётларнинг бюллетенлари тузиб борилган.

Тадбиркорлар ва иқтисодчилар кунига “Кичик бизнес – келажак бизнеси”, “Буюк ўзгаришлар ва порлоқ келажак сари” мавзуларида ахборот куни, енгил саноат ходимлари кунига “Юртимиз ҳунармандлар ўлкаси”, “Адолатли жамият сари” мавзусида кўрғазма ташкил қилиниб унга шарҳ берилган. Тиббиёт, мусиқа ходимлари, ўқитувчилар кунига бағишлаб “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Муаллим сўзидан дилга нур оқар”, “Мусиқа – дил изҳори” мавзуларида мутахассис куни ўтказилган. Ҳокимият, маданият ходимларига, ташкилотлар, корхоналар раҳбарларига ахборотни танлаб тарқатиш бўйича

абонентларга 31 та хизмат кўрсатилган. 15 та абонентга дифференциал хизмат кўрсатилган, уларга 247 нусхадаги библиографик нашрлар, газета ва журналлар берилган.

“Справка-библиография ва ахборот ишлари”, “Китобхонларга ахборот-библиография хизмати кўрсатиш”, “Китобхонлар билан ишлашда тавсия библиографик қўлланмалардан фойдаланиш” мавзуларида семинарлар ташкил этилган.

Ходимлар малакасини ошириш, ахборот-библиография билимларни мукамал эгаллаш мақсадида ёш кутубхоначилар ўртасида “Энг яхши тавсия рўйхати” номида кўрик-танлов ўтказилган. Унда “Маҳалла Ватандир” мавзусидаги қўланманинг тузувчиси Ш.Фозилова ғолиб деб топилган.

Саёҳат, суҳбат, маслаҳат кунлари орқали кутубхонага 1718 та китобхон аъзо бўлган. Уларга 3011 нусхадаги адабиётлар берилган. Вилоят бўйича китобхонларнинг 18912 та библиографик сўровлари бажарилган.

Жиззах вилоят кутубхонасининг справка-библиографик нашрлар фонди 203 нусхадан иборат бўлган. Китобхонларнинг 28 та библиографик сўровлари бажарилган. 15 та оғзаки, 3 таси ёзма. Шундан 14 та мавзули, 7 та кутубхона-манзилли, 4 таси фактографик маълумотлардан иборат бўлган. Ҳар чоракда “Янги адабиётлар” ахборот бюллетени тайёрланган ва олий ўқув юртларига, коллежларга, вилоят халқ ижодиёт маркази мутахассисларига юборилган. “Ахборот пайшанбаликлари куни”да турли мавзулардаги кўргазмалар ва библиографик нашрларнинг шарҳи бериб борилган. Кутубхонанинг справка-библиографик аппарати бўйича китобхонларга 21 та суҳбатлар ва маслаҳатлар берилган.

Самарқанд вилоят универсал-илмий кутубхонасининг справка-библиографик нашрлар фонди 1511 нусхани ташкил этган. 11 та янги адабиётлар олинган. Китобхоналарга 7444 нусхадаги библиографик нашрлар берилган. 5500 та мақолалар тасвирланиб картотекага қўйилган. Китобхоналарга 870 та оғзаки, 20 та ёзма маълумотлар берилган. Берилган справкаларнинг 70 фоизи мавзули, 20 фоизи манзилий, 8 фоизи фактографик, 2 фоизи библиографик маълумотларни аниқловчи справкалардир. 15 та адабиётлар кўргазмаси, 2 та библиографик шарҳ, 10 та тавсия рўйхатлари, 12 та кутубхона бўйлаб саёхатлар уюштирилган.

Жомбой тумани Марказий кутубхонаси томонидан “Библиография ишини нимадан бошлаш керак?”, “Библиография сенинг кўмакдошинг” номидаги қўлланмалар тузилган. Нарпай тумани Марказий кутубхонасида “Китоб сенинг ҳаётингда”, “Фарзандингиз китоб ўқийдими?” мавзуларида суҳбатлар ўтказилган.

Вилоят бўйича китобхоналарнинг сўроқларига 284 та мавзули, 148 та библиографик, 135 та фактографик, 34 та ўлкашунослик, 233 та аниқловчи маълумотлар берилган.

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар Марказий кутубхонасида “Ислом Каримов асарларининг библиографияси”, “Ёшлар тарбияси ҳақида”, “Хотин қизлар, Сизлар учун” мавзуларида адабиётларнинг тавсия рўйхатлари тузилган. Туман Марказий кутубхонасида “Сайхунобод қаҳрамон-номаси” мавзусидаги кўргазмага библиографик шарҳ берилган. Вилоят бўйича 185 та библиографик шарҳ ўтказилган.

Наманган вилоят кутубхонасида маданият, тиббиёт коллежлари талабалари учун “Сиз системали каталогдан фойдаланишни биласизми?”, “Энциклопедия сизнинг

ёрдамчингиз” рукнида библиографик дарслар ўтказилган. Шунингдек, янги адабиётлар ва кутубхона фондидаги мавжуд адабиётлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. “Библиографик нашрлар билан танишинг” мавзусида кўرғазма ташкил қилинган.

Тиббиёт ходимлари учун вилоят касалхонасида “Саломатлик посбонлари” мавзусида ахборот куни ўтказилган ва кутубхонанинг справка-библиографик аппарати ҳақида ҳам тушунтиришлар берилган. Тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар кунига бағишлаб “Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур” мавзусида мутахассис куни ўтказилган. Унда шу соҳа ходимларига янги адабиётлар кўрғазмаси ташкил қилиниб, шарҳ берилган.

Ҳокимият, маданият ходимларига, ташкилотлар, корхоналар раҳбарларига ахборотни танлаб тарқатиш бўйича 30 та абонентга хизмат кўрсатилган. Табақалашган хизмат кўрсатиш абонентлари сони 13 тани ташкил этган. Уларга 226 та библиографик нашрлар, газета ва журналлар берилган.

“Бизнес-фонд”, меҳнат биржаси, солиқ тизими ходимларига маркетинг, менежмент, тадбиркорлик фаолияти, солиқ тизими тўғрисидаги адабиётлар ҳақида ахборот берилган.

Тўрақўрғон тумани Марказий кутубхонасида “Китобхоналарга ахборот-библиографик хизмат кўрсатишда кутубхоналарнинг ўрни” мавзусида семинар ўтказилган.

Саёҳат, суҳбат ва маслаҳат кунлари орқали кутубхонага 2000 та китобхон аъзо бўлган ва уларга 2631 та адабиётлар берилган.

Тошкент вилоят кутубхонаси адабиётшунос олим Н.Каримовнинг биобиблиографиясини тузиб нашр қилган. “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Қизил

Ўзбекистон”, газеталари мақолаларининг библиографик картотекасини тузиш ишлари давом эттирилган.

Олмалиқ шаҳар Марказий кутубхонасида “Как пользоваться библиографическими пособиями”, “Из истории книжной культуры” мавзуларида библиографик машғулотлар ўтказилган. Бекобод туман Марказий кутубхонасида ҳокимият, марказий шифохона ходимларига табақалашган ҳолда хизмат кўрсатилган. Тошкент тумани ва Чирчиқ шаҳар Марказий кутубхоналарида ўқитувчи ва мураббийлар кунига “Бир умрлик хотирам сиз устозим”, “Сизга таъзим устозлар” мавзусида мутахассис кунлари ўтказилган.

Фарғона вилоят кутубхонаси 10534 та китобхонларнинг 6922 та оғзаки, 12 та сўровларини бажарган. 3600 та каталог ва картотекалар олдида олдида маслаҳатлар берилган. қишлоқ хўжалик мутахассислари учун “Замонавий технология – юқори ҳосил гарови”, “Вилоятимизнинг театр ҳаёти” мавзуларида адабиётларнинг тавсия рўйхатлари тузиб мутахассисларга етказилган. Фермер хўжалиги мутахассислари учун “Фермер – бугун ва келажак ишончи тараққиёт қаноти” мавзусида мутахассис кун ва “Фермер бугун ва эртага” мавзусида кўргазма ташкил этилган. Шу билан биргаликда янги адабиётларнинг ахборот бюллетенлари тузиб борилган.

Риштон туман Марказий кутубхонасида “Мутахассислар бурчаги” ташкил этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти кутубхоналари бўлимга тегишли маълумотларни ахборотларда тўлиқ, аниқ ёритмаганлиги сабабли тўхталмадик.

Сирдарё вилоят кутубхонасининг бўлим бўйича маълумотлари ўлкашунослик ва методик ишлар билан аралаш, фактлар ва тадбирлар ноаниқ берилган.

Юқорида келтириб ўтилган тадбирлардан келиб чиқиб бўлимга хулоса сифатида айтиш мумкинки, вилоятлардаги оммавий кутубхоналарда имкон қадар самарали ишлар амалга оширилган. Лекин библиография бўлими етарли тажрибага ва билимга эга бўлган ходимларни талаб қилиши шубҳасиз. Вилоят оммавий кутубхоналарининг библиография бўлими бундай ходимлар билан таъминланса иш жараёни йўналиши янада ривожланган бўлар эди.

ЎЛКАШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

Кейинги вақтларда кутубхоналарда ўлкашунослик ишини ташкил қилиш ва ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ўлка тарихи, маданияти, анъана ва урф одатларини ўрганиш ва уларни китобхонлар орасида кенг тарғиб қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят универсал илмий кутубхоналарида кўйидаги ишлар амалга оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонасининг ўлкашунослик шубҳаси фонди 1379 нусхани ташкил этади. Фонддаги адабиётлар фан соҳалари бўйича жойлаштирилган. Ўлкашунослик картотекаси қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Республика кутубхонасида Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишлаб “Асрга татиғулик тарихинг бор” мавзусида давра суҳбати ўтказилган. Тадбирда “Нукус – ёш ва навқирон шаҳар” мавзусида кўرғазма ҳам ташкил қилинган. Ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда қорақалпоқ халқ шоири, Бердах номидаги Давлат мукофоти совриндори Аббаз Дабиловнинг 105 йиллигига “Халқ севган қиссахон” мавзусида хотира кечаси ўтказилган. Шунингдек, “Тўрткул ҳақида ривоят” мавзусида ўлкашунослик қўлланмаси, “Элга машҳур элдошим” номида картотека ташкил қилинган. Мўйнок

тумани 2-тармоқ кутубхонасида XIX аср қорақалпоқ мумтоз адабиётининг вакили, буюк шоир Аженияз Қусибой ўғли таваллудининг 180 йиллигига бағишлаб “Қорақалпоқ саҳроси булбули” адабий-бадий кеча ўтказилган. Тадбирда “Буюк бобомизсиз Аженияз” номли кўргазма ҳам ташкил этилган. Республика кутубхонасида ўлкашунослик иши бўйича 34 оммавий тадбирлар, 13 та адабиётларнинг тавсиявий рўйхатлари, 10 та обзор, китобхонларга 26000 нусхадаги ўлкашунослик адабиётлари тавсия қилинган. 255 та ўлкашунослик сўровлар бажарилган.

Андижон вилоят кутубхонасининг ўлкашунослик фонди 534 нусхани ташкил этади. Кутубхонада китобхонларнинг ўлкашуносликка оид 1004 та сўровлари бажарилган. Туман Марказий кутубхоналари томонидан эса китобхонларнинг ўлкашуносликка оид 26936 та сўровлари бажарилган. Вилоят кутубхонасининг ўлкашунослик картотекаси 1504 та материаллар билан тўлдирилган. Туман Марказий кутубхоналарининг ўлкашунослик картотекалари эса 15219 та материаллар билан тўлдирилган.

Вилоят кутубхонасида Маиший хизмат коллежи, вилоят ёзувчилар уюшмаси, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция жамғармаси билан ҳамкорликда “Бобур руҳи ҳамиши ёдимизда” мавзусида адабий мусиқали кеча ўтказилган. Шунингдек, Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб “Эрта сўнган юлдуз” мавзусида адабий кеча, “Сен элнинг юрагида яшайсан”, Бобурнинг таваллуд кунига бағишлаб “Бобурнинг ҳуқуқий қарашлари” мавзуларида варақалар, “Лола кўғирчоқ театри 35 ёшда” мавзусида буклет ва бошқа мавзуларда 8 та ўлкашунослик қўлланмалар тайёрланган. Асака шаҳар Марказий кутубхонасида Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб “Ўз элининг эркаси” мавзусида шеърят кечаси ўтказилган. Шаҳар ва туман

Марказий кутубхоналарида ўлкашунослик иши бўйича 1588 та тадбирлар ўтказилган. Ҳар бир туман ва шаҳар Марказий кутубхоналарида “Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик” мавзусидаги меҳнат ва санъат фестивали асосида “Иш жойимизни гуллар масканига айлантирайлик” мавзусида кўрик-танлов ўтказилган. Кўрик-танлов давомида кутубхоналар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилган.

Бухоро вилоят кутубхонасининг справка-библиография бўлимида 1998 йилдан бошлаб ўлкашунослик фонди умумий фонддан алоҳида ҳолда ташкил этилган. Ҳозирги кунда ўлкашунослик фонди 576 нусхани ташкил этади. Фонддан Ибн Сино, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Порсо, Хожа Исмаи Бухорий ва бошқа жаҳон маданияти буюк даҳоларининг қўлёзмалари жой олган. 2004 йилда эса ўлкашунослик шўъбаси ташкил этилган. Вилоят кутубхонасида 1941 йилдан бошлаб ўлкашунослик картотекаси юритила бошланган. Ўлкашунослик картотекасига 1500 та газета, журнал мақолаларининг карточкалари жойлаштирилган. Китобхонларга Бухоро тарихи, маданияти, санъати, этнографияси ва шу каби мавзуларда 761 та оғзаки маълумотлар берилган. “Танишинг, бу қизиқ” мавзусида ўлкашуносликка доир адабиётларнинг тавсия рўйхатлари нашр қилинган. “Бухоро – шарқ дурдонаси” доимий адабиётлар кўргазмаси янги адабиётлар билан тўлдирилган. Китобхонларга ўлкашуносликка доир 6431 нусхада адабиётлар берилган.

Ҳар йили сентябр ойининг учинчи пайшанба ва жума кунлари Баҳовуддин Нақшбанд хотира кунларини вилоят кутубхонасида ўтказиш анъанага айланган. Бу тадбирга “Баҳовуддин Нақшбанд ҳаёти ва илмий мероси” мавзусида кўргазма ташкил этилган. Кутубхонада ташкил этилган “Ўлкам менинг – фаҳрим менинг” ўлкашунослик клубида

оммавий тадбирлар, китобхонлар конференцияси, учрашув кечалари, кўрик-танловлар, адабий мусиқали кечалар тез-тез ўтказилиб турилган. Вилоят кутубхонаси томонидан “Туман ва шаҳар Марказий кутубхоналарида ўлкашунослик ишини ташкил этиш” мавзусида вилоят семинари, “Ўлкам – шарқ дурдонаси” мавзусида конференция ўтказилган. Тадбирларда “Зебо шаҳарлараро кўп мўътабар Бухоро” кўргазмаси ташкил этилган. Китобхонлар ва ўсмир ёшлар ўртасида “Ўлканг тарихини ўрган” мавзусида викторина, ўлкашунослик шўъбаси ёзувчилар уюшмаси, Бухоро Давлат университети, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда “Танишинг, юртимиз шоирлари” ток-шоу ва Бухоро Давлат университети, амалий санъат усталари ҳамкорликда “Фольклор, урф-одатлар, анъаналар” мавзуларида брейн-ринг ўтказилган. Бухоро туман Марказий кутубхонасида “Кутубхоналарда ўлкашунослик ишларини ташкил этиш”, Вобкент туман Марказий кутубхонасида “Библиография ва ўлкашунослик фаолияти китобхонлар хизматида” мавзуларида семинарлар ўтказилган.

Жиззах вилояти кутубхонасининг ўлкашунослик газета-журналлар мақолалари картотекасига ўзбек тилида 2712 та, рус тилида 1887 та карточкалар қўйилган. Шунингдек, “Жаҳон ичра жаҳоним ўлкам” мавзусида кўргазма ва “Жиззах ҳақида ўқинг”, “Ўз ўлкангизни ўрганинг”, “Жиззах элининг ёзувчи ва шоирлари” рукнларида адабиётларнинг аннотацияланган тавсиявий рўйхатлари тузилган. Ҳар чоракда “Вилоятимизнинг маданий ҳаёти” мавзусида ахборот бюллетени тузилган. Зарбдор тумани Марказий кутубхонасида “Маҳаллий ижодкорларимиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилган.

Наманган вилоят кутубхонасида “Наманган гуллар шаҳри” мавзусида кўргазмаси ташкил қилинган ва кўргаз-

мадаги адабиётларга обзор ўтказилган. Чуст туман Марказий кутубхонасида “Миллий ҳунармандчилик ва урф-одатларни маданият муассасаларида тарғиб қилиш” мавзусида вилоят кўчма семинари бўлиб ўтган. Чустий таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб “Чустий эл ардоғидаги шоир” мавзусида тадбир ўтказилган. Шунингдек, “Кухна ва навқирон Чустим” кўрғазмаси ҳам ташкил этилган. Кўрғазмага чувлик адиблар, ҳунармандлар сулоласи, пичоқчилар, дўппидўзлар, мисгарлар тўғрисида адабиётлар қўйилган. “Чуст тарихини биласизми?” мавзусида мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган билимдонлар беллашувида “Тарихчи” ва “Ўлкашунос” гуруҳлари ўзаро беллашганлар. Унда “Тарихчи” гуруҳи ғолиб деб топилган. Поп туман Марказий кутубхонаси ва тармоқ кутубхоналаридаги ўлкашуносликка оид адабиётлар 10270 нусхани ташкил этган. Туманда “Қадимги Поп воҳаси маданияти, тарихи” мавзусида республика илмий анжумани бўлиб ўтган.

Самарқанд вилояти кутубхонасининг ўлкашунослик фонди 2250 нусхани ташкил этган. Бу фонддан 2957 та китобхонлар фойдаланишган. Уларга 32667 нусхадаги адабиётлар берилган. Самарқанд шаҳар Марказий кутубхонасида “Дунёнинг жаннати, шарқнинг дурдонаси” мавзусида шеърхонлик кечаси, Нарпай туман Марказий кутубхонасида “Нарпайликлар Сизлар билан фахрланади” мавзусида кўрғазма, Пайарик туман Марказий кутубхонасида “Ўлкамиздаги тарихий обидалар” мавзусида овозли ўқиш ўтказилган. Оқдарё туман Марказий кутубхонасида ўлкашунослик ишини оммалаштириш бўйича семинар ўтказилган. Шу туманнинг 23-24 тармоқ кутубхоналарида Нодира мукофотининг совриндори Х.Очилова ташаббуси билан 9 та қишлоқ ҳақида маълумотлар тўпланган. Шунинг билан

биргаликда кутубхонада қадимги иш қуроллари, рўзғор буюмларидан иборат музей ташкил этилган. Жомбой туман Марказий кутубхонасида “Халқи ҳалол, суви зилол Жомбойим” мавзусида кўрғазма ва “Бизнинг Жомбой” картотекаси ташкил қилинган. Унда туманнинг тарихи, қишлоқ ҳўжалиги, адабиёти ва санъатига оид маълумотлар жамланган. Булуғур туман Марказий кутубхонасида ташкил этилган ўлкашунослик клуби фаоллик кўрсатиб келмоқда. Улар тумандаги ёш рассомлар ўртасида кўриктанлов ўтказилиб, кутубхонада “Йиллар мажмуаси” мавзусида картотека ташкил этган.

Фарғона вилояти Риштон тумани 4-тармоқ кутубхонасида “Риштон тарихини биласизми?” мавзусида “Зиё” ва “Ёғду” гуруҳлари 5 та шарт бўйича ўзаро беллашганлар. “Ёғду” гуруҳи беллашув ғолиби деб топилган. Қўқон шаҳар Марказий кутубхонаси “Менинг жонажон тарихим” мавзусида оғзаки журнал ўтказган. Олтиариқ туман Марказий кутубхонасида “Музейлар ўтмишдан сўзлайди” мавзусида давра суҳбати ўтказилган.

Хоразм вилояти оммавий кутубхоналарининг ўлкашунослик фонди 38062 нусхани ташкил этган. Хазорасп туман Марказий кутубхонасида “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла” жамғармалари билан ҳамкорликда “Хазорасп тарихини биласизми?” мавзусида билимдонлар беллашуви ҳамда “Хазорасп минг отликлар диёри” мавзусида мулоқот кечаси ўтказилган. Урганч шаҳар Марказий кутубхонасида Эгам Раҳим таваллудининг 85 йиллигига бағишланган мусиқали кеча, Янгиариқ туман Марказий кутубхонасида Т.Каримовнинг “Авесто” ва “Авесто ва унинг инсон тараққиётидаги ўрни” китоблари юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтган. Шу туманнинг 18-тармоқ кутубхонасида “Ўз ўлкангни биласанми?” мавзусида мактаб

Ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган билимдонлар беллашувида Аваз Ўтар номли ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Сарвар Солиев голиб деб топилган. Тадбирдан сўнг китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётларга обзор берилган. Хонқа туман Марказий кутубхонасида Маъмун академиясининг илмий ходимлари билан ҳамкорликда “Боболар ёкқан чирок” мавзусида давра суҳбати ўтказилган. Хива тумани 35-тармоқ кутубхонаси қошида ўлкашунослик музейи ташкил қилинган. Янгиариқ туман Марказий кутубхонасида Комил Авазнинг “Қўналға” асари юзасидан китобхонлар конференцияси ўтказилган.

Сирдарё, Тошкент вилоят универсал илмий кутубхоналарининг бу бўлимдаги ишлари қисқа ва етарли даражада ёритилмаганлиги сабабли уларга тўхталмадик.

Бўлимга хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқорида келтириб ўтилган кутубхоналарда ўлкашунослик ишларини қоникарли даражада дейиш қийин. Ҳар йили таъкидлаб ўтганимиздек кўпчилик вилоят кутубхоналарининг ахборотларидаги Ўлкашунослик бўлимида Ўзбекистон, мустақиллик, навруз, конституция ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар берилган. Шу билан биргаликда ахборотларда келтирилган маълумотлар ҳам бир хил тартибда берилмаган, яъни кутубхоналардаги ўлкашунослик фонди ҳақида маълумотлар айрим вилоятларда келтирилса, айримларида эса бу маълумотларни топиш қийин. Китобхонлар ёки уларга берилган маълумотлар ҳам шу аҳволда келтириб ўтилган. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, айрим вилоят универсал илмий кутубхоналарнинг ахборотлари 2 йиллиги тўлиқ топширилмаганлиги сабабли бу бўлимдаги маълумотларни умумий жамлаган ҳолда саралаб келтириб ўтдик. Юқорида келтириб ўтилган айрим фактли рақамлар ёки тадбирлар бир йил ичида бажарилган ишлар ҳисобланади.

КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИ

Республикамизнинг 16000 дан ортиқ кутубхоналарида 24000 га яқин кутубхона ходимлари иш олиб бормоқда. Шундан 6000 дан ортиқ ходим олий маълумотли, 2500 га яқин ходим олий махсус кутубхоначилик, 12000 га яқин ходим эса ўрта махсус кутубхоначилик маълумотига эга ходимлардир.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарда 2003 йилда (5741 та) кутубхона ходимлари 10379 тани ташкил этади. Шундан маълумоти бўйича 2228 нафар олий, 1640 нафар олий махсус кутубхоначилик, 4463 нафари эса ўрта махсус кутубхоначилик маълумотига эга ходимлардир. 2004 йилда эса оммавий кутубхоналар (5748 та) ходимлари сони 10423 ни ташкил этган. Шундан маълумоти бўйича 2181 нафари олий, 1597 нафар олий махсус кутубхоначилик, 4672 нафар эса ўрта махсус кутубхоначилик маълумотига эга ходимлардир.

КУТУБХОНАЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК НЕГИЗИ

2003 йилда 5741 та оммавий кутубхоналарининг 52 таси андозали биноларда жойлашган. 5689 та кутубхона эса мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатмоқда. 970 та кутубхона таъмирлашга муҳтож.

2004 йилда эса 5748 та оммавий кутубхоналарининг 41 таси андозали биноларда жойлашган. 5706 та кутубхона эса мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатмоқда. 971 та кутубхона таъмирлашга муҳтож.

Вилоятлар бўйича таъмирлашга муҳтож кутубхоналар сони Бухоро вилояти бўйича 255 та, Самарқан вилояти бўйича 97 та, Навоий вилояти бўйича 82 тани ташкил этади. Республикамиз оммавий кутубхоналарининг 74 таси шикастланган биноларда жойлашган.

ХУЛОСА

2003 ва 2004 йиллардаги кутубхоначилик соҳасидаги ютуқ ва муаммолар, камчиликлар, шунингдек айрим фактик маълумотлар билан таништириш мақсадида биз имкон даражасида маълумотларни беришга ҳаракат қилдик. Лекин бу билан республикамиздаги ёки вилоятлардаги кутубхоначилик соҳасидаги бутун аҳволни баён қилдик, дея олмаймиз. Чунки, вилоят оммавий кутубхоналарининг ахборотларида келтирилган маълумотларга ва бизга тегишли вазирликлар томонидан тақдим қилинган статистик фактларга таяниб айрим фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик, холос.

Тақдим этилган ахборотларнинг барчаси Илмий-методик бўлим ходимлари иштирокида ўрганиб чиқилди. Ахборотларда имкон доирасида вилоят, шаҳар ва туман оммавий кутубхоналарининг бугунги кундаги аҳволи ва келажак истиқболларини ёритиб беришга ҳаракат қилинган ва ўз тақлиф мулоҳазаларини ҳам билдиришган.

Ҳар бир бўлимда келтирилган фикр-мулоҳазаларимиздан тегишли кутубхона раҳбарлари зарур хулосаларини чиқарадилар, деган умиддамиз.

Вилоят оммавий кутубхоналари ахборотларининг мазмуни, иш тажрибалари, маълумотлар базасининг тўлақонлиги, ютуқ ва муаммоларнинг тўлиқ ёритилишини ҳисобга олиб Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоят кутубхоналарининг ахборотларини 2003-2004 йилларнинг энг яхши ахборотлари деб баҳоладик.

1-жадвал

2-жадвал

3-жадвал

**Республика оммавий кутубхоналарининг 1993 – 2003
йиллардаги асосий кўрсаткичлари**

Асосий кўрсаткичлар	1993 йил	2003 йил
Кутубхоналар сони	6764	5741
Шу жумладан қишлоқда	5762	4747
Кутубхоналар фондининг миқдори (минг нусхада)	81486,4	57143,7
Шу жумладан қишлоқда	49232,7	34553,0
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилидаги адабиётлар	37170,7	27619,8
Шу жумладан қишлоқда	29935,5	21127,1
Олинган янги адабиётлар	2406,6	175,0
Шу жумладан қишлоқда	1755,9	96,4
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилида	1156,2	149,2
Шу жумладан қишлоқда	881,4	90,8
Аҳолининг бир кутубхонага тўғри келадиган ўртача сони	3282	4476
Шу жумладан қишлоқда	2310	3440
Китобхонлар сони (минг киши)	6228,7	5420,7
Шу жумладан қишлоқда	4370,7	3648,7
Бир кутубхонада ўртача китобхонлар сони	921	944
Шу жумладан қишлоқда	759	768
Бир кутубхона учун китобларнинг ўртача сони	12,1	9,9

Шу жумладан қишлоқда	8,5	7,2
Бир киши учун китобларнинг ўртача сони	3,7	2,2
Шу жумладан қишлоқда	3,7	2,1
Ўртача китоб ўқилиши	21	18,5
Шу жумладан қишлоқда	20	18,0
Умумий китоб берилиши	131230,4	100578,6
Шу жумладан қишлоқда	87910,2	65372,4
Ўзбек тилидаги китобларнинг берилиши	90286,4	74888,4
Шу жумладан қишлоқда	73106,3	52536,3
Китоб айланиши	1,6	1,7
Кутубхоначи ходимлар сони	12243	10379
Шу жумладан қишлоқда	7593	6054
Олий махсус маълумотли кутубхоначи ходимлар сони	2681	1640
Шу жумладан қишлоқда	1223	800
Ўрта махсус кутубхоначи маълумотлилар сони	4721	4463
Шу жумладан қишлоқда	3269	2937
Тўлиқ таъмирлашни талаб қилувчи кутубхоналар сони	1218	970
Шикастланган биноларда жойлашган кутубхоналар сони	220	74

4-жадвал

**Республика оммавий кутубхоналарининг 1994 – 2004
 йиллардаги асосий кўрсаткичлари**

Асосий кўрсаткичлар	1994 йил	2004 йил
Кутубхоналар сони	6721	5748
Шу жумладан қишлоқда	5723	4768
Кутубхоналар фондининг миқдори (минг нусхада)	81199,3	57200,0
Шу жумладан қишлоқда	49040,0	34574,5
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилидаги адабиётлар	35801,4	27142,6
Шу жумладан қишлоқда	29540,2	20817,6
Олинган янги адабиётлар	1555,5	231,0
Шу жумладан қишлоқда	1120,8	141,0
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилида	809,9	193,5
Шу жумладан қишлоқда	625,8	129,0
Аҳолининг бир кутубхонага тўғри келадиган ўртача сони	3357	4527
Шу жумладан қишлоқда	2416	3477
Китобхонлар сони (минг киши)	6635,4	5500,9
Шу жумладан қишлоқда	4406,8	3650,1
Бир кутубхонада ўртача китобхонлар сони	987	957

Шу жумладан қишлоқда	770	765
Бир кутубхона учун китобларнинг ўртача сони	12.0	9.9
Шу жумладан қишлоқда	8.5	7.3
Бир киши учун китобларнинг ўртача сони	3.6	2.2
Шу жумладан қишлоқда	3.6	2.1
Ўртача китоб ўқиши	22	18.3
Шу жумладан қишлоқда	20	17.8
Умумий китоб берилиши	147567.1	100998.6
Шу жумладан қишлоқда	89889.2	65146.9
Ўзбек тилидаги китобларнинг берилиши	94798.1	75960.4
Шу жумладан қишлоқда	72577.6	56227.1
Китоб айланиши	1.8	1.3
Кутубхоначи ходимлар сони	12249	10423
Шу жумладан қишлоқда	7620	6066
Олий махсус маълумотли кутубхоначи ходимлар сони	2668	1597
Шу жумладан қишлоқда	1227	748
Ўрта махсус кутубхоначи маълумотлилар сони	4669	4672
Шу жумладан қишлоқда	3331	2919
Тўлиқ таъмирлашни талаб қилувчи кутубхоналар сони	1240	971
Шикастланган биноларда жойлашган кутубхоналар сони	237	74

5-жадвал

6-жадвал

Мундарижа

Тузувчидан	3
Кутубхоналар фаолияти ҳақида маълумот	4
Кутубхоналар фондини ташкил қилиш ва у билан ишлаш.....	6
Китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш....	10
Ташкилий методик ишлар	17
Справка-библиография ва ахборот ишлари.....	23

Ўлкашунослик фаолияти	29
Кутубхона ходимлари	36
Кутубхоналарнинг моддий-техник базаси	36
Жадваллар	38

Босишга рухсат этилди 2006 йил
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т.300 нусха. Буюртма №

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонасининг босмахонаси.
700078, Тошкент ш., Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй.